Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil 24-mart, payshanba

№ 36 (3697)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Янгиликлар

**Андижонда «Энг намунали саломатлик сектори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**Унда 34 маҳалла фаоли ва патронаж ҳамшираси иштирок этди. Иштирокчилар аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичлари бўйича ҳудудда олиб борилаётган ишлар, соғлом турмуш тарғиботи, ҳамкорликнинг қай даражада йўлга қўйилгани, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, фаолиятига оид кўргазмалар ташкил этиш сингари қатор шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.**

**Асака туманидаги «Навбаҳор» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Нафиса Усмонова ҳамда ҳудуддаги «Дўрмон» маҳалласи фаоли Йўлдошхон Ғозиева ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган экобоғда «Биз — баркамол ёшлар Ватан ободлиги ва озодалигига масъулмиз» шиори остида экологик акция ўтказилди.**

**Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган, умумий майдони қарийб 120 гектардан иборат йигирма бешдан зиёд экобоғларга ўттиз минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилган.**

**Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ўтказилган ушбу акцияда ёшлар дарахтлар тагини юмшатиб, уларни оқлади, шакл берди, янги ниҳоллар ўтқазди.**

**Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан илмий манбалардан фойдаланиш ва нашр эттириш мавзуида илмий форум ўтказилди.**

**Форумда жаҳон илмий-таълим манбалари, электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш, юқори рейтингли илмий журналларда мақолалар нашр эттириш имкониятлари, илмий нашрлар ва докторлик диссертацияларининг сифатини ошириш ҳақида сўз юритилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# Экспортга мўлжалланган янги қўшма корхона

**ФАРҒОНА ШАҲРИДА «FERGANA OSEANA TEXTILE» ЎЗБЕКИСТОН — ТАИЛАНД ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ.**



Президентимиз раҳнамолигида чет эл инвестицияларини жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Фарғона вилоятида чет эл инвестицияси иштирокидаги 200 га яқин корхона фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ишламаётган ва бўш турган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига «нол» қийматда бериш бўйича эълон қилган танлов натижаларига кўра, «Фарғонадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасига қарашли бўш турган бино «Қувасойтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамиятига инвестиция киритиш шарти билан берилган эди.

Жамият томонидан таъмирга муҳтож бинода 15 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-реконструкция ишлари бажарилиб, кўркам ва замонавий кўринишга келтирилди. Таиланд компанияси билан тузилган ҳамкорлик шартномасига асосан хориждан 6 миллион евролик пахтани қайта ишловчи ва ип-калава ишлаб чиқарувчи замонавий жиҳозлар келтирилиб, ўрнатилди.

— Бу ерда йилига 3 минг 600 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш ва сифатли, рақобатбардош ип-калава ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, — дейди қўшма корхона раҳбари Алишер Ортиқов. — Маҳсулотларимизни Европа давлатлари, шунингдек, Россия ва Хитойга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Қўшма корхона иш бошлаши билан 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Доимий иш ўрнига эга бўлганларнинг 110 дан ортиғи касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

— Лоғон агросаноат касб-ҳунар коллежини битирганман, — дейди оператор вазифасида ишлаётган Дилфуза Абдураҳмонова. — Мен билан бирга кўплаб тенгдошларим ҳам бу ерга ишга жойлашди. Келажакда енгил саноат соҳасини пухта ўзлаштириб, етук мутахассис бўлишни мақсад қилганман.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган ип-калава маҳсулотлари эрта-индин жаҳон бозорига чиқарилади. Бу саъй-ҳаракатлар иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

Муносабат

# «Бизга тинчлик, омонлик керак...»

**Халқимиз томонидан ҳар йили Наврўз бир мўъжиза сифатида қарши олинади. Нафақат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланамиз бу фаслда. Умумхалқ байрамига бағишланган тантанани телеэкран орқали томоша қилар эканман, кўнглимдан ана шундай ўйлар ўтди.**

Наврўз тантанасида Президентимизнинг *«Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар»*, деган сўзлари айни кўнглимиздаги гап бўлди. Бугун юртимизнинг қайси жойига борманг, сизга обод ва ораста манзиллар пешвоз чиқади. Одамларнинг чеҳрасини айтмайсизми, гулгун ва шодхуррам. Бу манзаралар Наврўзимиз ҳамда бетакрор баҳоримиз ҳуснига ҳусн қўшади, барчанинг қалбига қувонч улашади. Буларнинг барчасининг негизида юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт эканлигини ҳар биримиз қалбан ҳис этиб турибмиз.

«Гули Раъно нур жилоси» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилганига беш йилдан ошди. Шу давр ичида корхонамиз қад ростлаб, ўз биносига эга бўлди. Ишчилар сони кўпайди. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташкил этилди. Бу эса корхонамиз ишчиларининг ижтимоий муҳофазаси янада яхшиланишига имкон беради.

Мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши, ушбу йил дастури доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганлиги она ва бола саломатлиги йўлида амалга оширилажак ишларнинг миқёси ва кўлами қандай улкан эканидан далолат беради.

Юртбошимизга аёллар тадбиркорлиги учун яратилаётган кенг имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, келгусида ўз бизнесимни янада кенгайтириш, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш ва ёшларимизни доимий иш ўрни билан таъминлашга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

**Раъно НИШОНОВА,**
**«Гули Раъно нур жилоси» МЧЖ раҳбари.**
*Мирзаобод тумани*

Ёз — 2016

**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан 2016 йилги ёз мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.**

# Тараддуд

Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга кўра, 41 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари белгиланган бўлиб, мазкур йўналишлардаги ишлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан доимий назоратга олинди.

Айни пайтда Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидаги ишчи гуруҳлари ва ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 2016 йилда болаларни соғломлаштириш режасини ишлаб чиқиш, мутасадди вазирлик, ташкилот, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминлаш масалалари ҳал этилмоқда. Шунингдек, оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, мавсумда фаолият кўрсатувчи малакали педагогларни танлаб олиш, тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича дастурлар мазмунини янада кучайтириш каби масалалар юзасидан қизғин ҳозирлик давом этмоқда.

Чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш ва назоратини олиб бориш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг 2016 йил 10 мартдаги 34-сонли йиғилиш баёни тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида ташкил этилган Республика штаби томонидан тайёргарлик ишларининг доимий мониторинги амалга оширилади.

Ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишларини жорий йилнинг 15 майига қадар якунлаш кўзда тутилган.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати**

Акция

# «Саломатлик поезди» манзиллар сари

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Навоий вилоятига жўнаб кетди.**




— «Саломатлик поезди»нинг юқори малакали шифокорлари ҳамда фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатади ҳамда хайрия тадбирларида аёллар ва болаларни кенг қамраб олишга алоҳида эътибор қаратади, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди матбуот котиби А.Эргашев. — Шунингдек, ижтимоий кўмакка муҳтож, имконияти чекланган инсонлар ҳамда турли муассасаларга 650 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон, гигиена воситалари етказиб берилади.

Айтиш жоизки, тиббий-ижтимоий тадбирни ташкил этишда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Reka med Farm» қўшма корхонаси, «Navro'z PTK» масъулияти чекланган жамияти ва халқаро ташкилотлар яқиндан кўмаклашди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**



Ободлик кўнгилдан бошланади

>> 2



Маънавий эҳтиёжга айланса...

>> 3



Митти машина сотилди

>> 4

Ishonch 2016-yil 24-mart, payshanba, № 36 (3697)

Наврўз шукуҳи

# Ободлик кўнгилдан бошланади

**Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Бухоро шаҳри маҳаллаларида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундай хайрли тадбирларда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар ташкилотлари ҳам фаол қатнашди.**

Архитектура ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбирда бир қатор ходимлар касаба уюшмаси томонидан тақдирланди. Асрий анъаналаримизни ифода этувчи халқ қўшиқлари ва лапарлари ижро этилган «Ассалом, Наврўз» деб номланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

**Жаҳонгир НУРУЛЛАЕВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

* * *

**«Қизилқумцемент» АЖ ҳудудида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Турли гул кўчатлари ва манзарали дарахтлар ўтқазилиб, аввал экилганларига шакл берилди.**

Корхона ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида 21 нафар эҳтиёжманд ишчи-ходим фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. 70 нафарга яқин меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат тўпламлари топширилди. Вилоят марказидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи боғда 300 нафар меҳнат фахрийси ҳамда пенсионерга байрам дастурхони ёзилди. Шунингдек, корхонада «Хуш келдинг, баҳор айёми Наврўз» шиори остида «Сумалак сайли» ташкил этилди. Тош кўтариш, арқон тортиш ва кураш каби ўйинлар уюштирилиб, ғолиблар касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *

**Тошкент автомобил йўллари институти томонидан олий ўқув юрти қошидаги Учтепа академик лицейи ҳамда Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ҳашар уюштирилди. Унда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар қатнашди.**

Талаба-ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган ҳашарда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бириктирилган ҳудудларга манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди.

**Ўз мухбиримиз**



Назира Шобердиева Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Ангел Фаришта» оилавий корхонаси раҳбари.

6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган корхонада айни пайтда аёллар либослари, болалар кийимлари каби 20 турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, бу ерда ёшлар «Устоз-шогирд» анъаналари асосида тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

Ушбу корхона «Ташаббус — 2015» кўрик-танловининг мамлакат босқичида «Йилнинг энг яхши оилавий корхонаси» номинациясида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган.

***СУРАТДА:** (чапдан) «Ангел Фаришта» оилавий корхонаси раҳбари Назира Шобердиева тикувчи Мафтуна Бойқобилова билан.*

**ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат**

Семинар

# Мақсад — янада яхшироқ ишлаш

**Китоб туманида бошланғич ташкилотлар етакчилари учун семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков ҳамда юридик бўлими бош юристконсулти Сарвар Мамадиев касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларга эътиборни қаратиб, фаолият самарадорлигини янада ошириш бўйича амалий тавсиялар беришди.**

Жумладан, жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси тадбирлари таъсирчанлигини кучайтириш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш каби масалалар ҳақида сўз борди.

Семинарда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Файзулла Маҳмудов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси Пўлат Жуманазаров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Баҳриддин Эгамбердиев ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмаджон Абдусамадов фаолият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

— Етти нафар мутахассисдан иборат ишчи гуруҳи Қашқадарё вилоятида бўлиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишмоқда, — деди биз билан суҳбатда ЎзКУФК бош юристконсулти Сарвар Мамадиев. — Ушбу жараёнда бошланғич ташкилотлар фаолиятини Устав талаблари доирасида ташкил этиш бўйича таҳлилий ёндашув кўп масалаларга ойдинлик киритди. Бундан ташқари, томорқалардан унумли фойдаланиш фаровонлик манбаи эканлиги ҳақида ҳам сўз борди. Шаҳрисабз ва Китоб туманларида аҳолининг ердан унумли фойдаланиши, томорқаларда барпо қилинган боғлар, иссиқхоналарни кўриб, чиндан-да ушбу соҳада салмоқли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Саховат айёми

# Мурувватдан диллар чароғон

**Бунёдкорлик, бирдамлик ва яшариш байрами бўлган Наврўзи олам юртимизнинг барча гўшалари, ташкилот ва муассасалар, маҳалла ва гузарларда завқ-шавқ ва кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Буни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган тадбирлар шукуҳи ҳам тасдиқлаб турибди.**

Улардан бири «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида бўлиб ўтди. «Сумалак сайли» деб номланган бадиий-мусиқий дастур, санъат усталарининг қўшиқ ва рақслари, вилоят Қўғирчоқ театри бадиий жамоасининг чиқишлари иштирокчилар қалбини шодликка тўлдирди. Баҳорий илиқлик, кўклам сурури уфурган сеҳрли оҳанглар барчани рақсга чорлади.

Байрам тантаналари сумалак сайлига уйғунлашиб кетди.

**Нозима ШУКУРОВА,**
**Бухоро «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи касаба уюшма қўмитаси раиси**

* * *

**Зомин туманида жойлашган «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида бўлиб ўтган тадбир узоқ вақт эсда қоладиган бўлди.**

— Ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Шарофиддин Баҳриддинов. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган касаба уюшма акциялари жойларда кенг қўллаб-қувватланиб, жамоатчиликни хушнуд этмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан икки миллион уч юз минг сўмлик аёллар кийим-кечак жамламасини ҳомийлик кўмаги сифатида «Мурувват» уйи раҳбари Нишонбой Арабов қабул қилиб оларкан, ўз миннатдорлигини шундай ифодалади:

— Касаба уюшмаларининг меҳр-мурувват борасидаги ишлари эътиборга лойиқ. Бугун 180 кишилик меҳнат жамоамиз билан ана шундай саховатпешаликнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ташкилотчиларга минг раҳмат.

«Мурувват» уйи ҳовлисида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Узоқ йиллар касаба уюшмалари тизимида раҳбарлик вазифаларида самарали меҳнат қилиб, бугун нафақада бўлган жиззахлик Ислом Хушиев хонадонига ҳам ташриф буюрилиб, байрам совғалари топширилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакилларига меҳр-саховат кўрсатилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Наврўз айёми муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма фаолларидан таркиб топган гуруҳлар корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари» ўтказиш, кексаларнинг тарихий ва кўнгилочар жойларга ташрифини уюштириш, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари ҳамда эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдамлар кўрсатиш каби тадбирларни уюшқоқлик билан ташкил этмоқда.**

— Кексаларимизнинг ҳурматини жойига қўйиб, ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиб, байрам билан муборакбод этиш азалий қадриятларимиздан, — дейди Қўнғирот сода заводи касабақўм раиси Бахтиёр Аллаяров. — Корхонамизда ишлаб нафақага чиққан уч нафар киши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож икки нафар меҳнат фахрийсини моддий қўллаб-қувватладик.

Фаоллар Тахтакўпир туманилик Раҳмон Айтмуратов ва нукуслик Қалбика Даўлетмуратованинг хонадонларида бўлишиб, озиқ-овқат тўпламини топширишди.

— Боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш бағрикенглик ифодаси, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси Қалжон Бегманова.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Вилоят марказидаги «Саховат» уйида ўтган байрам тадбирида кексаларга касаба уюшмаларининг совғалари топширилди.**

Акция доирасида 200 нафардан зиёд соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб кетган кексалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам берилди. Эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Якка-ёлғиз кексаларнинг уй-жойини таъмирлашга, томорқасини тартибга келтиришга кўмаклашилди. Жойларда сумалак сайиллари ташкил этилди.

**Алимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

* * *

**«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан махсус мактаб-интернатларидаги ногирон болаларга эсдалик совғалари топширилди.**

Жумладан, 26-«Меҳрибонлик» уйи, Уйчи, Косонсой, Учқўрғон, Чуст, Норин, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳридаги махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун ўтказилган байрам тадбирлари болажонларга завқ-шавқ бахш этди. Шунингдек, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари, кўмакка муҳтож кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечаклар тарқатилди.

— Касаба уюшмаларининг кўрсатаётган ғамхўрлиги янада яхши баҳоларга ўқишимиз учун куч бағишлайди, — дейди Косонсой туманидаги 44-махсус мактаб-интернат ўқувчиси Азиза Толибжонова.

Бундай эзгу ишлар вилоятдаги барча тармоқларда уюштирилмоқда.

**Д.СУЛТОНОВА,**
**бирлашма бўлим мудири**

Тадбир

# Аёл ардоқни ҳис этсин

**Самарқанд шаҳрида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуида семинар-тренинг уюштирилди. Унда тизим корхоналари хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари етакчилари иштирок этди.**

Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар, турли меъёрий ҳужжатлар билан ҳимояланиб келинаётир. Хусусан, кимё саноати тизимидаги корхоналарда ишловчи аёллар ҳуқуқлари жамоа шартномаларида акс эттирилган ҳолда касаба уюшмаларида фаолият юритаётган хотин-қизлар комиссиялари томонидан оғишмай таҳлил қилиб борилаётир.

3 ёшгача фарзанди бор 396 нафар ёш онага жамоа шартномалари орқали моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат шаклидаги корхоналарда меҳнат қилаётган аёлларнинг иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақти бир соатга қисқартирилди. «Навоийазот», «Аммафос Максам» АЖ, «Қўнғирот сода заводи», «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхоналарида аёллар репрадуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қўшимча таътиллар бериш баробарида даволаш-профилактика, озиқ-овқат талонлари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали аёллар саломатлиги муҳофаза қилинмоқда.

Анжуманда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Нилуфар Музаппарованинг «Корхона ва ташкилотларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлар», меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис Саидоқил Тўхтаевнинг «Меҳнат қонунчилигида аёллар меҳнатини тартибга солиш ҳамда аёллар учун берилган имтиёз ва кафолатлар», кенгаш бош юристконсулти А.Ҳасанбековнинг «Жамоа шартномаси орқали аёллар меҳнатини тартибга солиш» мавзуидаги маърузалари тингланди. «Навоийазот» АЖ ҳамда «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари иш фаолиятлари билан яқиндан танишилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова иштирокида анжуман қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, тренинг машғулотларда ўз фаолликларини намойиш этишди.

Икки жамоага бўлиниб, баҳсга киришган аёллар меҳнат жамоаларида хотин-қизлар учун яна қандай имтиёзлар яратиш, ишловчи аёллар муаммолари устида эркин мулоқот олиб боришди.

Ташкилотчилар томонидан Самарқанд шаҳри бўйлаб ташкил этилган саёҳат семинар-тренинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Самарқанд шаҳрининг янада кўркам ва обод бўлаётганлигига гувоҳ бўлдим, — дейди «Навоийазот» АЖ хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Нигора Сайфиева. — Буюк боболонларимиз қудрати тимсоли бўлмиш қадим обидалар барчамизга руҳий қувват бахш этди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Оҳангарон туманидаги Педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида битирувчилар учун Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикасида ёшлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

# Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Тадбирда Республика кенгаши бош юристконсулти Дилбар Муҳамедалиева Меҳнат кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар, коллеж битирувчиларига имтиёзлар, уларга ишга жойлашиш ва ишга жойлашгандан сўнг бериладиган кафолатлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Шундан сўнг тармоқнинг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Равшаной Ғозиева касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, корхона, ташкилотларда жамоа шартномаси кенг имкониятларидан фойдаланиш ҳақида кўплаб мисоллар келтирди. Шунингдек, мавзуга оид саволлар берилиб, битирувчи ёшларнинг билими синовдан ўтказилди. Улар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шарифа АБДУРАҲМОНОВА,**
**коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси**

Анжуман

**«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш учун яратиладиган замонавий омборлар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# Янги логистика марказлари

Маълумотларга кўра, уюшма етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш мақсадида белгиланган вазифаларни бажариб келмоқда. Ҳозирда фаолият юритаётган 60 та улгуржи савдо база ва корхоналарнинг саъй-ҳаракати натижасида 2015 йил ҳосилидан 2015 — 2016 йил қиш-баҳор даври учун 70 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамғарилган.

Президентимизнинг «2016 — 2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан республика ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, транспортировка қилиш ва экспортга ортиш ишларини амалга оширишга ихтисослашган 17 та логистика маркази ташкил этиш белгиланган бўлиб, шундан 4 таси бу йил ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам логистик марказларни барпо этиш режалаштирилиб, дастлабки ташкилий ишлар бошлаб юборилди.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch 2016-yil 24-mart, payshanba, № 36 (3697)

Наврўз шукуҳи

## Ободлик кўнгилдан бошланади

**Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Бухоро шаҳри маҳаллаларида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундай хайрли тадбирларда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар ташкилотлари ҳам фаол қатнашди.**

Архитектура ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбирда бир қатор ходимлар касаба уюшмаси томонидан тақдирланди. Асрий анъаналаримизни ифода этувчи халқ қўшиқлари ва лапарлари ижро этилган «Ассалом, Наврўз» деб номланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

**Жаҳонгир НУРУЛЛАЕВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

* * *

**«Қизилқумцемент» АЖ ҳудудида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Турли гул кўчатлари ва манзарали дарахтлар ўтқазилиб, аввал экилганларига шакл берилди.**

Корхона ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида 21 нафар эҳтиёжманд ишчи-ходим фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. 70 нафарга яқин меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат тўпламлари топширилди. Вилоят марказидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи боғда 300 нафар меҳнат фахрийси ҳамда пенсионерга байрам дастурхони ёзилди. Шунингдек, корхонада «Хуш келдинг, баҳор айёми Наврўз» шиори остида «Сумалак сайли» ташкил этилди. Тош кўтариш, арқон тортиш ва кураш каби ўйинлар уюштирилиб, ғолиблар касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *

**Тошкент автомобил йўллари институти томонидан олий ўқув юрти қошидаги Учтепа академик лицейи ҳамда Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ҳашар уюштирилди. Унда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар қатнашди.**

Талаба-ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган ҳашарда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бириктирилган ҳудудларга манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди.

**Ўз мухбиримиз**



Назира Шобердиева Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Ангел Фаришта» оилавий корхонаси раҳбари.

6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган корхонада айни пайтда аёллар либослари, болалар кийимлари каби 20 турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, бу ерда ёшлар «Устоз-шогирд» анъаналари асосида тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

Ушбу корхона «Ташаббус — 2015» кўрик-танловининг мамлакат босқичида «Йилнинг энг яхши оилавий корхонаси» номинациясида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган.

***СУРАТДА:** (чапдан) «Ангел Фаришта» оилавий корхонаси раҳбари Назира Шобердиева тикувчи Мафтуна Бойқобилова билан.*

**ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат**

Семинар

## Мақсад — янада яхшироқ ишлаш

**Китоб туманида бошланғич ташкилотлар етакчилари учун семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков ҳамда юридик бўлими бош юристконсулти Сарвар Мамадиев касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларга эътиборни қаратиб, фаолият самарадорлигини янада ошириш бўйича амалий тавсиялар беришди.**

Жумладан, жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси тадбирлари таъсирчанлигини кучайтириш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш каби масалалар ҳақида сўз борди.

Семинарда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Файзулла Маҳмудов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси Пўлат Жуманазаров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Баҳриддин Эгамбердиев ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмаджон Абдусамадов фаолият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

— Етти нафар мутахассисдан иборат ишчи гуруҳи Қашқадарё вилоятида бўлиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишмоқда, — деди биз билан суҳбатда ЎзКУФК бош юристконсулти Сарвар Мамадиев. — Ушбу жараёнда бошланғич ташкилотлар фаолиятини Устав талаблари доирасида ташкил этиш бўйича таҳлилий ёндашув кўп масалаларга ойдинлик киритди. Бундан ташқари, томорқалардан унумли фойдаланиш фаровонлик манбаи эканлиги ҳақида ҳам сўз борди. Шаҳрисабз ва Китоб туманларида аҳолининг ердан унумли фойдаланиши, томорқаларда барпо қилинган боғлар, иссиқхоналарни кўриб, чиндан-да ушбу соҳада салмоқли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Саховат айёми

## Мурувватдан диллар чароғон

**Бунёдкорлик, бирдамлик ва яшариш байрами бўлган Наврўзи олам юртимизнинг барча гўшалари, ташкилот ва муассасалар, маҳалла ва гузарларда завқ-шавқ ва кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Буни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган тадбирлар шукуҳи ҳам тасдиқлаб турибди.**

Улардан бири «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида бўлиб ўтди. «Сумалак сайли» деб номланган бадиий-мусиқий дастур, санъат усталарининг қўшиқ ва рақслари, вилоят Қўғирчоқ театри бадиий жамоасининг чиқишлари иштирокчилар қалбини шодликка тўлдирди. Баҳорий илиқлик, кўклам сурури уфурган сеҳрли оҳанглар барчани рақсга чорлади.

Байрам тантаналари сумалак сайлига уйғунлашиб кетди.

**Нозима ШУКУРОВА,**
**Бухоро «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи касаба уюшма қўмитаси раиси**

* * *

**Зомин туманида жойлашган «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида бўлиб ўтган тадбир узоқ вақт эсда қоладиган бўлди.**

— Ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Шарофиддин Баҳриддинов. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган касаба уюшма акциялари жойларда кенг қўллаб-қувватланиб, жамоатчиликни хушнуд этмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан икки миллион уч юз минг сўмлик аёллар кийим-кечак жамламасини ҳомийлик кўмаги сифатида «Мурувват» уйи раҳбари Нишонбой Арабов қабул қилиб оларкан, ўз миннатдорлигини шундай ифодалади:

— Касаба уюшмаларининг меҳр-мурувват борасидаги ишлари эътиборга лойиқ. Бугун 180 кишилик меҳнат жамоамиз билан ана шундай саховатпешаликнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ташкилотчиларга минг раҳмат.

«Мурувват» уйи ҳовлисида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Узоқ йиллар касаба уюшмалари тизимида раҳбарлик вазифаларида самарали меҳнат қилиб, бугун нафақада бўлган жиззахлик Ислом Хушиев хонадонига ҳам ташриф буюрилиб, байрам совғалари топширилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакилларига меҳр-саховат кўрсатилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Наврўз айёми муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма фаолларидан таркиб топган гуруҳлар корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари» ўтказиш, кексаларнинг тарихий ва кўнгилочар жойларга ташрифини уюштириш, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари ҳамда эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдамлар кўрсатиш каби тадбирларни уюшқоқлик билан ташкил этмоқда.**

— Кексаларимизнинг ҳурматини жойига қўйиб, ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиб, байрам билан муборакбод этиш азалий қадриятларимиздан, — дейди Қўнғирот сода заводи касабақўм раиси Бахтиёр Аллаяров. — Корхонамизда ишлаб нафақага чиққан уч нафар киши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож икки нафар меҳнат фахрийсини моддий қўллаб-қувватладик.

Фаоллар Тахтакўпир туманилик Раҳмон Айтмуратов ва нукуслик Қалбика Даўлетмуратованинг хонадонларида бўлишиб, озиқ-овқат тўпламини топширишди.

— Боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш бағрикенглик ифодаси, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси Қалжон Бегманова.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Вилоят марказидаги «Саховат» уйида ўтган байрам тадбирида кексаларга касаба уюшмаларининг совғалари топширилди.**

Акция доирасида 200 нафардан зиёд соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб кетган кексалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам берилди. Эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Якка-ёлғиз кексаларнинг уй-жойини таъмирлашга, томорқасини тартибга келтиришга кўмаклашилди. Жойларда сумалак сайиллари ташкил этилди.

**Алимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

* * *

**«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан махсус мактаб-интернатларидаги ногирон болаларга эсдалик совғалари топширилди.**

Жумладан, 26-«Меҳрибонлик» уйи, Уйчи, Косонсой, Учқўрғон, Чуст, Норин, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳридаги махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун ўтказилган байрам тадбирлари болажонларга завқ-шавқ бахш этди. Шунингдек, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари, кўмакка муҳтож кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечаклар тарқатилди.

— Касаба уюшмаларининг кўрсатаётган ғамхўрлиги янада яхши баҳоларга ўқишимиз учун куч бағишлайди, — дейди Косонсой туманидаги 44-махсус мактаб-интернат ўқувчиси Азиза Толибжонова.

Бундай эзгу ишлар вилоятдаги барча тармоқларда уюштирилмоқда.

**Д.СУЛТОНОВА,**
**бирлашма бўлим мудири**

Тадбир

## Аёл ардоқни ҳис этсин

**Самарқанд шаҳрида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуида семинар-тренинг уюштирилди. Унда тизим корхоналари хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари етакчилари иштирок этди.**

Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар, турли меъёрий ҳужжатлар билан ҳимояланиб келинаётир. Хусусан, кимё саноати тизимидаги корхоналарда ишловчи аёллар ҳуқуқлари жамоа шартномаларида акс эттирилган ҳолда касаба уюшмаларида фаолият юритаётган хотин-қизлар комиссиялари томонидан оғишмай таҳлил қилиб борилаётир.

3 ёшгача фарзанди бор 396 нафар ёш онага жамоа шартномалари орқали моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат шаклидаги корхоналарда меҳнат қилаётган аёлларнинг иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақти бир соатга қисқартирилди. «Навоийазот», «Аммафос Максам» АЖ, «Қўнғирот сода заводи», «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхоналарида аёллар репрадуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қўшимча таътиллар бериш баробарида даволаш-профилактика, озиқ-овқат талонлари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали аёллар саломатлиги муҳофаза қилинмоқда.

Анжуманда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Нилуфар Музаппарованинг «Корхона ва ташкилотларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлар», меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис Саидоқил Тўхтаевнинг «Меҳнат қонунчилигида аёллар меҳнатини тартибга солиш ҳамда аёллар учун берилган имтиёз ва кафолатлар», кенгаш бош юристконсулти А.Ҳасанбековнинг «Жамоа шартномаси орқали аёллар меҳнатини тартибга солиш» мавзуидаги маърузалари тингланди. «Навоийазот» АЖ ҳамда «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари иш фаолиятлари билан яқиндан танишилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова иштирокида анжуман қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, тренинг машғулотларда ўз фаолликларини намойиш этишди.

Икки жамоага бўлиниб, баҳсга киришган аёллар меҳнат жамоаларида хотин-қизлар учун яна қандай имтиёзлар яратиш, ишловчи аёллар муаммолари устида эркин мулоқот олиб боришди.

Ташкилотчилар томонидан Самарқанд шаҳри бўйлаб ташкил этилган саёҳат семинар-тренинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Самарқанд шаҳрининг янада кўркам ва обод бўлаётганлигига гувоҳ бўлдим, — дейди «Навоийазот» АЖ хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Нигора Сайфиева. — Буюк боболонларимиз қудрати тимсоли бўлмиш қадим обидалар барчамизга руҳий қувват бахш этди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Оҳангарон туманидаги Педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида битирувчилар учун Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикасида ёшлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

## Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Тадбирда Республика кенгаши бош юристконсулти Дилбар Муҳамедалиева Меҳнат кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар, коллеж битирувчиларига имтиёзлар, уларга ишга жойлашиш ва ишга жойлашгандан сўнг бериладиган кафолатлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Шундан сўнг тармоқнинг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Равшаной Ғозиева касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, корхона, ташкилотларда жамоа шартномаси кенг имкониятларидан фойдаланиш ҳақида кўплаб мисоллар келтирди. Шунингдек, мавзуга оид саволлар берилиб, битирувчи ёшларнинг билими синовдан ўтказилди. Улар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шарифа АБДУРАҲМОНОВА,**
**коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси**

Анжуман

**«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш учун яратиладиган замонавий омборлар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## Янги логистика марказлари

Маълумотларга кўра, уюшма етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш мақсадида белгиланган вазифаларни бажариб келмоқда. Ҳозирда фаолият юритаётган 60 та улгуржи савдо база ва корхоналарнинг саъй-ҳаракати натижасида 2015 йил ҳосилидан 2015 — 2016 йил қиш-баҳор даври учун 70 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамғарилган.

Президентимизнинг «2016 — 2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан республика ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, транспортировка қилиш ва экспортга ортиш ишларини амалга оширишга ихтисослашган 17 та логистика маркази ташкил этиш белгиланган бўлиб, шундан 4 таси бу йил ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам логистик марказларни барпо этиш режалаштирилиб, дастлабки ташкилий ишлар бошлаб юборилди.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Фаолиятга назар

**Раҳм-шафқат ва беғараз ёрдам бериш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг мақсад ва қоидаларини рўёбга чиқаришда жамоатчилик иштироки учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида юртимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти инсонпарварлик ёрдами бериш соҳасида давлатга ҳамда унинг соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш идораларига яқиндан кўмаклашиб келмоқда.**



# Инсонпарварликка йўғрилган

Мамлакатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги Фармонига кўра ҳар йили ноябр ойида Миллий Жамият фондига маблағ тўплаш декадаси бўлиб ўтади. Ушбу муҳим ҳаракат Жиззах вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилади.

Ўз навбатида, Жиззах шаҳри ва барча туманларда аҳолини биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш қоидаларини тушунтириш, корхона ва муассасаларда бошланғич ва жамоат ташкилотларини тузиш бўйича семинарлар ўтказилмоқда. Таълим муассасаларида санитар постлари, корхона ва ташкилотларда санитар дружиналар ташкил этиляпти.

— Ёшларни инсонпарварлик ва меҳр-шафқат руҳида тарбиялаш, беғараз донорликни тарғиб қилиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, оилавий алоқаларни тиклаш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Жиззах вилоят ташкилоти ижрочи директори Олмос Гадоев. — Бу борада «Камолот» ЁИҲ, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Жорий йилда иш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш, меҳнат, халқ таълими бошқармалари, «Маҳалла» жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан тегишли келишувларга эришилмоқда.

Ана шу мақсад йўлида вилоят ҳокимлигида соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятлар, меҳнат, халқ таълими бошқармалари ҳамда олий таълим муассасалари ва бошқа жамоаларда учрашувлар ўтказилмоқда.

Унда фаолиятга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилиниб, Жамиятни ривожлантириш, аъзолик бадаллари, фуқаро ва юридик шахсларнинг хайрли ҳадялари асосида ёрдамларни шакллантириш ишлари келишиб олинаяпти.

Айни пайтда аҳолини эҳтимолли табиий офатларга тайёрлаш бўйича маҳаллаларда фавқулодда вазиятлар бўйича маҳаллий қўмиталар ташкил этилган. Маҳаллий жамоалар сардорлари учун ўтказилаётган машғулотларда заифлик ва потенциални баҳолаш бўйича кўникмалар, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидалари, биринчи ёрдамни кўрсатиш кўникмалари тушунтирилади, ҳаракат қилиш режалари тузилади. Семинар тарзида ташкил этилаётган йиғинларда аҳоли ҳақиқий офатларнинг олдини олиш ва уларга қарши ҳаракат қилишнинг қийин бўлмаган усулларини билиб олмоқда, зарар кўрганларга биринчи ёрдам бериш усулларини ўрганаётир. Бу қурбонлар, шикастлар ва оқибатлар сони пасайишига хизмат қилади, албатта.

— Аҳолини ташкилот фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида турли акциялар, викториналар ҳамда шоу дастурлари ўтказишни режалаштиряпмиз, — дейди Жамиятнинг Жиззах туман ташкилоти ижрочи директори Саид Донишев. — Шундай лойиҳалардан бири қизиқарли викторина саволлари ва турли ўйинлар орқали ёшлар орасида инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, донорлик масаласини кенгроқ тарғиб қилишга йўналтирилган «Ишончли мадад» акциясидир. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан кекса кишилар, биринчи навбатда, ёлғиз ва ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш, кекса ёшдаги ногирон одамларнинг уюшган ҳолда дам олишлари учун шарт-шароитлар ярата бориб, спорт, маданий-маърифий кечалар, таниқли санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, шоир ва ёзувчилар иштирокида хайрия гала-концерти уюштирмоқдамиз. Ундан тушган маблағлар кексалар, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган инсонлар ҳамда ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаяпти.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида Жиззах шаҳридаги «Заргарлик» МФЙ ҳудудида жойлашган Ўзбекистон ҚЯОЖ Жиззах вилоят ташкилотига қарашли бинода ёлғиз кексалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар ва ногирон болалар учун «Ижтимоий кўникма маркази»ни ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Бу фаолият кўлами яна бир босқич юқори кўтарилади, деганидир.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Кичик тадқиқот

# Маънавий эҳтиёжга айланса...

*Илк марта ўқиган китобингизни эслай оласизми? Шахсий кутубхонангиздаги китоблар сони қанча? Ўн йил аввал ўқиган китобингиз мазмунини айтиб бера оласизми?*

Бу саволлар сизни бироз бўлса-да эсанкиратгани шубҳасиз. Чунки миямиз турли ахборотлар билан банд бўлгани боис кўпчилигимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Умуман олганда, китобхонлик даражаси нималарга асосланиб белгиланади? Шу ҳақда бир қанча саволлар тузиб, улар асосида юздан ортиқ турли касб эгалари бўлган юртдошларимиз ўртасида сўров ўтказдик.



Сўров натижасида иштирокчиларнинг 33 фоизигина бўш вақтини мутолаага бағишлаши маълум бўлди. Баъзилар хотирасининг сустлиги, иш вақтининг тиғизлиги сабаб, китобхонман дея мақтана олмаслигини айтган бўлса, айримлари очиқчасига китоб ўқиш зерикарли эканини, ундан кўра даромад олиб келадиган бирон-бир фойдали иш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини баён қилди. Нима ҳам дердик, ҳар ким ўзидан келиб чиқиб фикр юритади.

Бевосита жавоблар кўрсаткичига тўхталсак. Ўттиз етти нафар иштирокчи илк бор ўқиган китобининг номини эслай олмади. Йигирма тўққиз «китобхон» эса сўнгги бор ўқиган китобини унутиб қўйибди. Қирқдан зиёд ҳамюртимиз шахсий кутубхонасидаги китоблар сони билан мақтана олмаслигидан хижолат тортди. Қатнашчиларнинг ярмидан кўпи китоб мутолааси — маънавий эҳтиёж эмас, балки вақт ўтказиш воситаси дея фикр билдирди.

«Тадқиқот»имиз давомида ғалати жавобларга ҳам дуч келдик. Хусусан, нуфузли олий ўқув юртида сабоқ берадиган ёш педагог жаҳон адабиёти намуналаридан жуда кўпини мутолаа қилганини писанда қилиб, ҳозирда Стендалнинг «Америка фожиаси»ни мириқиб ўқияпман, деди. Биз ҳайрон бўлганча «Америка фожиаси»ни Теодор Драйзер ёзганини, Фредерик Стендал «Қизил ва қора» романи муаллифи эканлигини айтдик. Натижада, педагог танишимизнинг жаҳон адабиётига бўлган меҳри сохта экани аён бўлиб қолди. Йигирмадан ортиқ иштирокчи эса 10 нафар ўзбек ва жаҳоннинг машҳур ёзувчиларини санаб бера олмади. Билиб-билмай рўйхатга шоирларнинг номини қўшиб қўйганлар ҳам бўлди.

Ушбу сўровдан мақсад бировга таъна қилиш ёки ақл ўргатиш эмас, шунчаки юртдошларимиз қайси китобларни севиб ўқиётгани, мутолаа уларнинг маънавий эҳтиёжига айлана олган-олмаганини билишдан иборат эди. Бу борада жиддий камчиликлар бўлишига қарамай, халқимиз орасида китобга чинакам меҳр қўйган инсонларнинг борлиги кўнглимизга таскин бағишлади.

Сўров натижаси китобхонлар севиб мутолаа қилаётган асарларни бир рўйхатга жамлаш имконини ҳам берди. Марҳамат, улар билан танишинг:

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН**

1. Абдулла ҚОДИРИЙ, **«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»** романлари.
2. Чўлпон, **«Кеча ва кундуз»** романи.
3. Саид АҲМАД, **«Уфқ»** романи.
4. Одил ЁҚУБОВ, **«Улуғбек хазинаси»** романи, **«Муқаддас»** қиссаси.
5. Пиримқул ҚОДИРОВ, **«Юлдузли тунлар», «Ҳумоюн ва Акбар»** («Авлодлар довони»).
6. Ўлмас УМАРБЕКОВ, **«Одам бўлиш қийин», «Фотима ва Зуҳра»**
7. Ўткир ҲОШИМОВ — **«Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар»**
8. Тоҳир МАЛИК — **«Шайтанат» 1-5**
9. Тоғай МУРОД — **«От кишнаган оқшом», «Отамдан қолган далалар», «Ойдинда юрган одамлар»**
10. Улуғбек ҲАМДАМ — **«Мувозанат», «Исён ва итоат»**

**ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН**

1. Лев ТОЛСТОЙ — **«Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик».**
2. Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ — **«Телба», «Камбағаллар».**
3. Александр ДЮМА — **«Иф қалъаси маҳбуси»**
4. Эрнест ХЕМИНГУЭЙ — **«Алвидо, қурол!», «Чол ва денгиз».**
5. Габриэл Гарсиа МАРКЕС — **«Ёлғизликнинг юз йили».**
6. Чингиз АЙТМАТОВ — **«Қиёмат», «Юзма-юз».**
7. Пауло КОЭЛО — **«Алкимёгар».**
8. Рашод Нури ГУНТЕКИН — **«Чоликуши».**
9. Даниэл ДЕФО — **«Робинзон Крузо».**
10. Герберт УЭЛСС — **«Кўринмас одам», «Доктор Моро ороли».**

Албатта, бу рўйхатни нисбий маънода қабул қилишингизни сўраган бўлардик. Чунки ўқувчининг диди бир-биридан фарқ қилиши табиий. Бошқа иштирокчилар орасида сўров ўтказилса, эҳтимол бу рўйхат бошқача кўриниш олиши ҳам мумкин.

Яна бир муҳим масалага тўхталишни жоиз деб билдик. У ҳам бўлса китобларнинг нархи масаласи. Пойтахтимиздаги бир нечта китоб дўконларини айланиб, фикр-мулоҳаза учун баъзиларини ёзиб олдик:

1. Саид Аҳмад, **«Йўқотганларим ва топганларим»**. «Sano-Standart» нашриёти. — 22000 сўм.
2. Асқад Мухтор, **«Чинор»**. «Янги Аср авлоди» нашриёти. — 19000 сўм.
3. Вильям Шекспир, **«Сайланма»**. 3 жилд. — 21000 сўм.
4. Фенимор Купер. **«Чингачгук фожиаси»**. «Янги аср авлоди» нашриёти. — 20500 сўм.
5. Жеймс Жойс. **«Улисс»**. «Ўзбекистон» нашриёти. — 29600 сўм.

Назаримизда, бу нархлар китоб ихлосмандларини бироз чўчитадигандек туюлди. 2015 йили «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилган «Х ва Ҳ ҳарфли сўзларнинг имло луғати» нашриёт китоб дўконида 15000 сўмдан сотиляпти. Аммо бошқа китоб дўконларида, хусусан, «Шарқ зиёкори» китоб дўконида унинг нархи 21500 сўмни ташкил этмоқда. Бизнингча, бу нарх мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари учун қимматлик қилади.

Жорий йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан «Билим олиш» (Билим даражасини яхшилаш) йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан китобхонлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, китоб дўконларидаги нархлар яна бир бор элакдан ўтказилса, нур устига нур бўлар эди.

Китобни дунёнинг ҳеч қандай бойлиги билан тенглаштириб бўлмайди. Унинг зиёси кўнглимизни чароғон этади, тафаккуримизни нурлантиради. Шундай экан, китобни маънавий эҳтиёжга, ҳаётий заруратга айлантиришдан бир зум ҳам чалғимайлик. Зеро, француз файласуфи Дени Дидро айтганидек:

***Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар,***
***Фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.***

**Давронбек ОРИПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Томорқа маданияти

**Кармана туманининг Ҳазора қишлоғида яшовчи Жамил бобо Ғойибовни маҳалладошлари «Анжирчи бобо» дея аташади. Отахон 80 ёшни қаршилаган бўлса-да томорқасидан бери келмайди. Эрта баҳордан кетмонини елкасига олиб, ер чопади, уруғ сочади. Шу тарика рўзғор учун зарур маҳсулотларни томорқасида етиштиради. Анжир пишиғи пайтида эса оила эҳтиёжидан ортганини бозорга олиб чиқиб, мўмайгина даромад ҳам қилади.**

# Харажат қилмаслик ҳам фойда

Битта оиланинг эҳтиёжи учун баҳордан то қишгача бозордан харид қилинадиган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг баҳоси ўртача 1 миллион сўмдан ошади. Агар ушбу маҳсулотлар томорқада етиштирилса-чи? Қолаверса, ерга меҳр бериб, пешона тери ила етиштирилган маҳсулотнинг мазаси тотлироқ бўлиши шубҳасиз.

Баҳор ерга уруғ қадаш, томорқадан унумли фойдаланиш ва бу орқали рўзғорни тўкинсочин қилиш учун муҳим палла. Шу боис кенг жамоатчилик томонидан фуқаролар ўртасида томорқа маданиятини шакллантириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Жумладан, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ҳам жойларда бўлиб, аҳолига бу борада тегишли тавсияларни беришмоқда.

— Вилоятимизда аҳолининг шахсий томорқаси 12667 гектарни ташкил этади. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ушбу томорқаларнинг 2660,9 гектарига картошка, 3692,2 гектарига сабзавот ҳамда 29,9 гектарига полиз маҳсулотлари экилди. 197,7 гектарда эса иссиқхоналар ташкил этилган. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида вилоятимиздаги хонадонларга 115 минг тупга яқин мевали дарахт кўчатлари, 36 минг донага яқин ток қаламчалари ўтқазилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Халилов.

Шу билан бир қаторда, кенгаш томонидан «Ўлкамизни боғларга буркайлик» номли кўргазмали мурожаат тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига тўёна сифатида томорқамизга 25 туп мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтқаздик. Кўнглимиз ҳам, ўзимиз ҳам яшариб кетгандек туюлди. Меҳнат қилган сира кам бўлмайди. Хонадон атрофи гулу дарахтлар билан яшнаб, обод бўлиб турганига нима етсин, — дейди Кармана туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Малика Ғойибова.

Албатта, томорқадан унумли фойдаланиш орқали, аввало, ўз оиламизнинг тўкинлигини таъминлаймиз. Қолаверса, зарур маҳсулотларни бозордан сотиб олишга ҳожат қолмайди. Демак, харажат қилмаслик ҳам рўзғорга барака киритади.

**Руслан САБУРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ёнғин хавфсизлиги

# Огоҳлик — давр талаби

**Баҳор келиши билан кўчалар, йўлак ва хиёбонлар турли чиқиндилардан тозаланиб, чиройли кўринишга келтирилмоқда. Аммо ободонлаштириш жараёнида айрим жиҳатларга масъулият билан қараш талаб этилади. Жумладан, тўпланган хазон, шох-шабба ва бошқа чиқиндиларнинг ёқилишига йўл қўймаслик зарур. Чунки бунинг натижасида атроф-муҳит ҳавоси тутундан заҳарланиб, гулхан ёнғинга айланиб биноларга ўтиб кетиш ва фуқароларнинг тан жароҳати олиш ҳоллари юз бермаслигига кафолат беролмаймиз.**

Кўп ҳолларда заҳарли тутун баъзи инсонларда турли аллергик хасталикларнинг қўзғалишига ҳам сабаб бўлади.

Шу боис Миробод туман ТИИБ ЁХБ қуйидаги ёнғинга қарши қаратилган чора-тадбирларга амал қилишингизни сўрайди:

– ёш болаларни уйда ва кўчада назоратсиз қолдирманг;
– ёш болаларнинг гугуртдан фойдаланишига йўл қўйманг;
– тураржой биноси ва корхоналар ҳудудида қуриган шох-шабба, хазон ва чиқиндиларни ёқманг.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Биз, катталар хонадонимизда ва ишхонамизда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилсак, ўзимизни ва фарзандларимизни, уй-рўзғор анжомларини, давлат мол-мулкини ўт балосидан сақлаган бўламиз. Шундай экан, ҳаётимиз, соғлигимиз ва мулкимизни талофатдан асрашда масъулиятни оширайлик.

*Ёнғин содир бўлганда «101» рақамига қўнғироқ қилишни унутманг!*

**М.ТУРСУНОВ,**
**Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори**

Реклама ва эълонлар

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг 17.03.2016 йилги 222-671/2- сонли ва 17.03.2016 йилги 230-394/2-сонли топшириғига ҳамда Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокимининг 2016 йил 18 феврал кунги № 123-сонли ва 2016 йил 8 феврал кунги №90- сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

1. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, Янгиқўрғон қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Оталар чойхонаси объекти учун танланган ер майдони 1200,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 1200,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 545 984 сўм. Қурилиш муддати 3 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 320,0 млн. сўм.

2. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Янгиқадам» ҚФЙ, Янгиқадам қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Болалар спортини ривожлантириш учун спорт комплекси, ошхона ва савдо дўконлари объекти учун танланган ер майдони 2200,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 2000,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 965 480 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 360,0 млн. сўм.

3. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Бувайда» ҚФЙ, Бувайда қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаси объекти учун танланган ер майдони 225,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 200,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 245 619 сўм. Қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 220,0 млн. сўм.

4. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Алқор» ҚФЙ, Араб қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган ер майдони 30,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 30,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 26 802 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50,0 млн. сўм.

5. Фарғона вилояти, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Янгиқадам» ҚФЙ, Янгиқадам қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Маиший хизмат кўрсатиш объекти учун танланган ер майдони 300,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 260,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 268 020 сўм. Қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 200,0 млн. сўм.

6. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Бегобод» ҚФЙ, Қорақум қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган ер майдони 16,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 16,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17 466,24 сўм.

Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40,0 млн. сўм.

7. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Қўнғиробод» ҚФЙ, Хонобод қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган ер майдони 40,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 40,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43 665,6 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50,0 млн. сўм.

8. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Қўнғирободб» ҚФЙ, Хонобод қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Сартарошхона объекти учун танланган ер майдони 16,00 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 16,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17 466,24 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30,0 млн. сўм.

9. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Жалоер» ҚФЙ, Тепамаҳалла қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Чорва молларини марказлашган ҳолда сўйиш (замонавий қушхона) объекти учун танланган ер майдони 80,00 кв.м, бўлиб, шундан қурилиш майдони 72,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 87 331,2 сўм. Қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 130,0 млн. сўм.

10. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Қўнғирот» ҚФЙ, Деҳқонобод қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган ер майдони 30,00 кв.м, бўлиб, шундан қурилиш майдони 25,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27 291 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40,0 млн. сўм.

11. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Бегобод» ҚФЙ, Олтинкўрғон қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Ижтимоий соҳа объекти учун танланган ер майдони 500,00 кв.м, шундан қурилиш майдони 450,00 кв.м. бўлиб, бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 545 820 сўм. Қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250,0 млн. сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бувайда тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2016 йил 2 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар, Ал.Фарғоний кўчаси, 7-уйда жойлашган Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгаши биносининг мажлислар залида 2016 йил 3 май куни соат 11:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлардан бошланғич баҳога нисбатан энг юқори таклиф этилган сумма, энг юқори киритиладиган инвистиция миқдори ҳамда яратиладиган янги ишчи ўринлар сони инобатга олинади. Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ипотека банк» Фарғона филиалидаги: МФО: 00544, СТИР: 207122519, 20208000104920609030 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

-жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

-танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; -танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй. Вилоят Касаба уюшмалари кенгаши биноси. **38-52-хоналар. Тел/факс: (0-373) 244-26-23. rieltsavdo@inbox.uz, www.1kms.uz. Лицензия: № RR 0001.**

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Данғара тумани ҳокимлиги балансидаги, Данғара тумани, Тошкент кўчаси, 69-уйда сақланаётган «AUDI-Q 7» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 40964RAA. **Бошланғич баҳоси — 112 859 391 сўм.**

**Аукцион савдоси 2016 йилнинг 25 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 22 апрел соат 17:00.

***Талабгорлар диққатига!***

Автотранспорт воситаси 2016 йилнинг 25 апрел кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 3-, 11 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303054753, Ҳ/Р: 22604000600396342001. Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома: № 1894.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши «ДАКА-ТЕХ» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси меҳнат муҳофазаси ходими Бахтиёр Ориповга онаси **ШАҲРАБОНУ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

